

**“Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан асосий прогноз кўрсаткичлар  
ижросини таъминланиши юзасидан**

**2024 йил 1 ноябрь ҳолатига  
ЙИҒМА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ  
МАЪЛУМОТНОМА**

**11.2024 йилда ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш  
(21-25 жадваллар)**

**Ходимлар таркиби.** Бугунги кунда “Ўзкимёсаноат” АЖ ва тармоқ корхоналарида **28 101 нафар** (2023 йил якунида **29 876 нафар**) ишчи-ходимлар ва хизматчилар меҳнат қилиб келаётган бўлиб, улардан:

Эркаклар		Аёллар		30 ёшгача ёшлар		30-50 ёш		Бошқарув ходимлари		Мутахассис ходимлар		Асосий ишлаб чиқариш ходимлари	
<b>2023 йил якунлари</b>													
19 877	65,5 %	9 999	34,5 %	6 046	23%	18 351	60%	2 083	7%	3 031	10,1%	20 474	68,5 %
<b>2024 йил I чорак якуни</b>													
18 909	66%	9 745	34%	5 251	18,3 %	18 047	63,9 %	1 943	6,8 %	2 969	10,4%	19 587	68,4 %
<b>2024 йил II чорак якуни</b>													
18 772	66%	9 694	34%	5 124	18%	18 048	63,4 %	1 944	6,8 %	2 955	10,4%	19 443	68,3 %
<b>2024 йил III чорак якуни</b>													
18 604	66%	9 576	34%	4 900	17%	17 908	63,5 %	1 616	5,7 %	2 902	10,3%	19 585	69,5 %
<b>2024 йил 10 ойлик якуни</b>													
18548	66%	9553	34%	4855	17%	17891	63,7 %	1 610	5,7 %	2 896	10,3%	19 526	69,5 %

**2024 йил январь-октябрь ойларида:**

**Ходимлар таркиби**

Тизим корхоналарига **740 нафар** (2023 йилда **1 056 нафар**) ходимлар **янги қабул қилинган** бўлиб, **1518 нафар** (2023 йилда **1 718 нафар**) ходимлар билан меҳнат шартномалари бекор қилинган.

Ишга қабул қилинган ходимларнинг **42 нафари** (2023 йилда **74 нафар**) бошқарув, **127 нафари** (2023 йилда **176 нафар**) мутахассис ва **369 нафари** (2023 йилда **449 нафар**) асосий ишлаб чиқариш ходимларига тўғри келади.

**Жорий йилнинг 1-ноябрь ҳолатига** тизим корхоналари бўйича бўш иш ўринлари сони (вакант) **370 та** (2023 йилда **412 тани**) яъни, штат сонига нисбатан **1,31%** ташкил қилмоқда.

Ҳисобот даврида ходимлар кўнимсизлик даражаси **5,0%** ни (2023 йилда **3 %**) ташкил этди.

Ҳозирги кунда **5 326 (19%) нафар** олий, **13 126 (46,7%) нафар** ўрта-маҳсус ва **9 649 (34,3%) нафар** ўрта маълумотли ходимлар ташкил этади. Шунингдек, **17 нафар** бошқарув ходимлари илмий унвонларга эга.

(2023 йилда **5 559 (19%) нафар** олий, **13 888 (46,5%) нафар** ўрта-маҳсус ва **10 329 (34,5%) нафар** ўрта маълумотли ходимлар ташкил этади. Шунингдек, **19 нафар** бошқарув ходимлари илмий унвонларга эга бўлган).

### **Ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш**

“Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги корхоналар томонидан 2024 йилда жами **6632 нафар** ходимлар малакасини ошириш режалаштирилган. Улардан, республика ўқув марказларида **2870 нафар** ва корхонанинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда **3762 нафар** ходимлар таълим олиши учун умумий ҳисобда **4 млрд** сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Жорий йилда **маҳаллий** олий таълим муассасаларида жами **674 нафар** мутахассислар тайёрланмоқда. **Жумладан:**

- Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиали - **600 нафар**;
- Тошкент кимё-технология институти - **9 нафар**;
- Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети - **12 нафар**;
- Тошкент давлат техника университети - **6 нафар**;
- Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти – **4 нафар**;
- Тошкент давлат иқтисодиёт университети - **3 нафар**;
- Фарғона политехника институти - **28 нафар**;
- бошқа ОТМлар - **12 нафар**.

**Хорижий** олий таълим муассасаларида жами **16 нафар**, шу жумладан:

- Россиянинг Томск политехника университетида - **2 нафар**;
- “Корея-Ўзбекистон илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти – Кимё технология инновация марказини ташкил этиш” инвестиция лойиҳаси доирасида – **14 нафар** (**4 нафар** докторант ва **10 нафар** магистрант).

**Жорий йилнинг 10 ойлигида** ходимлар тайёрлашга **862 млн. сўмдан** ортиқ маблағ сарфланди.

Жами **4690 нафар** ишчи-ходимларнинг малакаси оширилган. Улардан, республика ўқув марказларида **1521 нафар** ва корхонанинг ўзида **3169 нафар** жами **2 млрд 615 млн** (ходимларнинг малакасини оширишга **1 млрд 753 млн**) сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

“Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан **Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА)** билан биргаликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда кимё технологиялари марказининг салоҳиятини ошириш” лойиҳаси бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик

муносабатларини янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 28 декабрдаги ПҚ-67-сон қарори ижроси доирасида “**Корея-Ўзбекистон илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти – Кимё технология инновация марказини ташкил этиш**” инвестиция лойиҳаси доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА) билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда, ушбу илмий марказни малакали кадрлар билан таъминлаш орқали унинг салоҳиятини ошириш белгиланган бўлиб, 2022 йил 24 июнда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА) билан “Ўзкимёсаноат” АЖ ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги халқаро шартнома – муҳокама баённомаси имзоланди.

*Маълумот учун: Лойиҳа доирасида илмий марказ салоҳиятини ошириш бўйича фан докторлари (PhD), магистрантлар ҳамда лаборатория ходимларини тайёрлаш, шунингдек, илмий марказ фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича биргаликда Бош режа ишлаб чиқиш, семинарлар ташкил этиш ҳамда ходимлар малакасини ошириш бўйича Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА) томонидан 7 млн. доллар миқдоридagi грант маблағлари ажратилиши белгиланган.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 майдаги 06/1-3254-сон топшириғига мувофиқ илмий марказни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2023-2027 йиллар оралиғида **10 нафар докторантура** (PhD) ва **12 нафар магистратура** йўналишларига Корея Республикасига кимё технологияси йўналиши бўйича ўқишга юбориш бўйича 2022 йилнинг июнь ойидан бошлаб ўтказиб келинаётган танловлар доирасида бугунги кунга қадар **10 нафар магистратура** ва **4 нафар докторантурага** муносиб номзодлар саралаб олиниб, баҳорги ва кузги ўқув йиллари учун мос равишда 2023 йил март ва август ҳамда 2024 йил март ойида ва 7 сентябрь кунда Корея Республикасига ўқишга юборилди.

Ишлар давом эттирилмоқда.

Салоҳиятли ёшларни саралаш, корхоналарда мавжуд бўлган муаммолар ечимини топиш салоҳиятига эга ёшларни аниқлаш, уларни захирага олиш, иқтидорли битирувчи талабаларни аниқлаш ва ишга таклиф қилиш билан тармоқни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 27 май – 1 июнь кунлари “Барқарор ривожлантириш ва яшил иқтисодиёт” Халқаро кимё ҳафталиги доирасида Тошкент кимё-технология институти, Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё технологиялари университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, Янги Ўзбекистон университети талабалари ва тармоқ корхоналарининг ёш мутахассисларидан **200 нафари** учун “Кимё саноати ёш мутахассислари илмий-интеллектуал форуми” ўтказилди.

Соҳавий ОТМларнинг моддий-техник базани мустаҳкамлаш, лаборатория шароитларини яхшилаш, зарурий кимёвий реагентлар билан таъминлаш ва бошқаларга жами **2,577 млрд** сўм, яъни Д.И.Менделеев

номидаги Россия кимё технологиялари университетининг Тошкент шаҳридаги филиалига **2 млрд** сўм, Тошкент кимё-технология институтига жами **577,7 млн** сўмлик молиявий кўмак кўрсатилди.

**Амалиётлар.** Жорий йилда тизим корхоналарида жами **2080 нафар** (олий таълим муассасаларининг **1447 нафар**, профессионал таълим муассасаларининг эса **633 нафар**) талабаларга амалиётлар ташкил этилди. Амалиёт даврида уларга корхоналарнинг **278 нафар** малакали мутахассислари устоз сифатида бириктирилди. Шу билан бирга, жами **32 нафар** (олий таълим муассасаларининг **29 нафар**, профессионал таълим муассасаларининг эса **3 нафар**) профессор-ўқитувчилари учун тармоқ корхоналарида стажировкалар ташкил этилди.

### **Касбий малака ва билимларни ривожлантириш йўналишида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги **ПҚ-4939-сон қарори** ижроси юзасидан 2022-2023 йилларда кимё соҳасига оид олий ва профессионал таълимнинг сифатини ошириш, меҳнат бозорининг ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда тармоқ корхоналари таркибида **6 та Малакаларни баҳолаш марказлари** ташкил этилган бўлиб, жорий йил бошидан бугунги кунга қадар марказлар томонидан жами **940 нафар** жисмоний шахсларнинг билим ва малакалари тест синовларидан ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик ваирлигининг 2023 йил 15 декабрдаги “Касбий стандартнинг макетига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги **212-сон буйруғининг** ижроси юзасидан, “Ўзкимёсаноат” АЖ Тармоқ Кенгаши томонидан касбий фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича 2024 йилда жами **22 та касбий стандартлар** ишлаб чиқилиб (белгиланган **режа 220%** (+12 та) бажарилди), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида рўйхатдан ўтказиш мақсадида махсус платформага жойлаштирилди.